

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

А. Ж. ОМОНТУРДИЕВ

ЧОРВАДОР НУТҚИДА
УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ НОМИ ВА МАҚОЛЛАР
ЭВФЕМИКАСИ

(рисола)

ЧОРВАДОР НУТҚИДА
УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ НОМИ ВА МАҚОЛЛАР ЭВФЕМИКАСИ

(рисола)

Университет Илмий Кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди, доцент
П. Ў. БАКИРОВ

Такризчилар: филология фанлари номзоди, доцент
Р.У.НОРМУРОДОВ
катта ўқитувчи **Х.Ч.ФАЙЗИЕВА**

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Дастлаб чорвадорлар нутқида шаклланиб, кейинчалик оммалашган уй-рўзғор буюмлари номлари, шунингдек, чорва номлари (зоонимлар) ва уларнинг хусусиятлари билан боғлиқ шаклланган мақолларнинг маъноларини аниқлашга бағишлаб тарқатилган сўровларга олинган жавоблар (чорвадорларгина эмас, қисман зиёлиларнинг жавоблари ҳам)нинг, асосан, қониқарсизлиги ўзбек тилининг парафрастик, жумладан, мақол ва маталлари семантикаси махсус режада тадқиқ қилинмаганлиги, алоҳида луғат тузилмаганлиги, лоақал этимологик, изоҳли луғатларда ҳам етарли акс этмаганлиги билан изоҳланади. Мана шу заруриятлар уй-рўзғор буюмлари ва чорва номлари билан боғлиқ бўлган минглаб мақол, матал, афоризм ҳамда ибратли сўзлар маъносига, уларнинг мажозий кўчимга нисбатан эвфемиклик даража-сини аниқлашга, изоҳлашга имконият яратди.

Таъкидлаш керакки, мақолларнинг шаклланишига асос бўлган ҳайвонлар номи (от, туя, ҳўкиз, қўй, қўчқор, арслон, шер, йўлбарс каби) ва уй-рўзғор буюмлари номи (элак, товоқ, қозон, супра, ғалвир каби), уларнинг хусусиятлари орқали буюклик, адолат, куч-қудрат, садоқат, мардлик, тантилик; ёки аксинча, эшак, тулки, ит, эчки каби номлар ва уларнинг хусусиятлари орқали номардлик, пасткашлик, ношудлик, ақл-фаросат-сизлик, ёлғончилик, ноодамийлик каби салбий фазилатлар рамзий эвфемик тарзда ўз аксини топган.

Рисола соҳа мутахассисларидан ташқари, кенг китоб-хонлар оммасига мўлжалланган.

I. УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ШАКЛЛАНГАН ЭВФЕМИК ВОСИТАЛАР

Уй-рўзғор буюмларининг номи ўз реал маъноларидан ташқари, гапда, хусусан чорвадор нутқида кўчма маънода ҳам қўлланиб, ўзига хос

эвфемик нутқнинг шакллани- шига асос бўлади. Бу нутқий жараёнда энг кўп қуйидаги буюмлар номи қатнашади.

қозон: 1) *қозони қараймаган, қозони сувга ташлаб қўйилган* гаплари - камбағаллик, йўқсиллик; 2) *қозонга яқинлашсанг, қораси юқар* гапи - балога қолмоқ, тухматга учрамоқ; 3) *қирққулоқли қозон ёки дошқозонлар қўйилди* (осилди) гапи - катта тўй тантана, таомлар тайёрламоқ; 4) *қозон османг, қозон қўйманг, ўчоқ бошига уннаманг* гаплари-овора бўлмаслик, ташвишланмаслик; 5) *бермас-нинг қозони қайнамас ёки оши пишмас* гаплари - зиқна, очкўз, қаттиқ; 6) *ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолди* гапи - сир очилмаганлик; 7) *қозон қусибди* гапи - сут иримоқ; 8) *қозон остига олибди* гапи - сут ёки ош куймоқ; 9) *айро-нингдан бермасанг, қозон-товоғинг вайрондир* гапи -қозон-товоғингни синдираман; 10) *қозонингиз биттами* гапи - ҳам қовурма, ҳам шўрва (қайнатма) қилмоқ (Ошнаси: гўштни қовурайми, қайнатайми деганда, Афанди: қозонингиз биттами? дейди); 11) *қозон очиқ қолса, ит ялайди-да* гапи -номусга тегмоқ (Умида Саидага ёрилди: Менга ит теккан дейди. Шунда Саида: қозон очиқ қолса, ит ялайди-да,-дейди (А. қ., «Синчалак», 67-б.) тушунчаларининг эвфемик воситаси бўлиб хизмат қилган.

Товоқ: 1) *қуруқ товоққа фотиҳа юримас* гапи - одам-гарчилик; 2) *бор товоғим, кел товоғим, борди-келди қилмасанг, син товоғим* гапи - ўзаро муомала муносабат; 3) *мис товоқнинг тагини ялаган* гапи - айёр, лаганбардор, очкўз; 4) *олдига товоқ қилиб қўйди* гапи - юзига солмоқ, миннат қилмоқ; 5) *куёв товоқ ёки тўққиз товоқ қилинди* гапи - махсус таом тайёрланганлик никоҳ тўйи; 6) *юзи оштовоқдай* гапи - юзи катта, бесўнақай; 7) *товоқ олди* гапи - курашда мукофат, совринга эга бўлмоқ; *товоқ кўтарди, бош товоқни кўтарди* гаплари - курашга тушмоқ тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

қошиқ: 1) *қуруқ қошиқ оғиз йиртар* гапи - бекор-дан-бекор бирор ишга аралашишнинг зарарлилиги; 2) *юзи (бети) қошиқдай* гапи -

беўхшов кичик; 3) *ҳалигача қошиқ ушлашни билмайди гапи* - маданиятсиз, уқувсиз; 4) *ювилмаган қошиқдай* - бўлар-бўлмасга аралашавера-диган одам тушунчаларига нисбатан эвфемик ифодадир.

Товоқ-қошиқ: 1) *у қозон-қошиқ (қозон-товоқ)қа бўл-майди гапи* - ношуд, носаранжом аёл; 2) *қозон-товоққа аралашиб қолмоқ гапи* - турмишга чиқмоқ, болали бўлмоқ, кўча хизматидан узоқлашмоқ; 3) *қозон-товоқ ташвиши тушмоқ гапи* - эрга тегмоқ тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Коса: 1) *бир коса сув ичгани йўқ гапи* - яхшилик, мурувват кўрмаганлик; 2) *бир умр косаси оқармаган гапи* - камбағал; 3) *косагардон қилган гапи* - бошини айлан-тирган, жодулаган; 4) *косагуллик қилди гапи* - ароқ сузмоқ; 5) *косалар бўшатилди гапи* - ароқ ичмоқ ёки овқат емоқ; 6) *коса тагида ним коса бор гапи* - гап тагидаги гап, кесатиш, яширин фикр тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Кўза: 1) *сув келтирган хор, кўза синдирган азиз гапи* - адолатсизлик; 2) *кўза ҳар куни эмас, кунда синади гапи* - кутилмаган фалокат ва нохушлик; 3) *у - кўза гапи* - рўза тутмаган; 4) *Куёвникида неча-неча қўйлар боши кетди, неча-неча кўзалар бўшаб қолди* (Т. М., «Ойдинда юрган одамлар», 225-б.) гапи - катта сарф-харажат, кўп ароқ ичилганлик тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Пиёла: 1) *бир пиёла чой ичилди гапи* - меҳмондор-чилик, зиёфат; 2) *бир пиёла олмоқ гапи* - ароқ ичмоқ; 3) *бир пиёла чойини ичганим йўқ гапи* - одамгарчилик қилинмаганлик; 4) *пиёлангда чой бўлиб, лабларингни куйдирсам (қўшиқ) гапи* -бўса олмоқ, ўпмоқ; 5) *бир пиёла чой бермаган (қўймаган) гапи* - зиқна, ноодам; 6) *бир пиёла чой ичганчалик гапи* - тез, кўз-очиб юмгунча, осон битадиган иш тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Чўмич: 1) *чўмич кимнинг қўлида бўлса, ўшаники гапи* -мансабдорлик, моддий манфаатдорлик; 2) *чўмич айланиб эгасини топди гапи* - мақсад

қилинган мансабга эришмоқ; 3) *ит қуруқ-чўмич қуруқ* (мақол) гапи - ҳаромдан ҳазар қилмаслик; 4) *қозонда бори чўмичга чиқар* гапи - адолат ва ҳақиқатнинг рўёби тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Капгир: 1) *қозонига яраша капгири* гапи - ҳар ким ўзига яраша имконияга эгалиги; 2) *қўлига капгир ушлама-ган* гапи - овқат пиширишни билмаслик, оқбилаклик; 3) *капгирнинг овози ёқмоқ* гапи - оч қолмоқ (Гоҳ у, гоҳ бу чолғуни чалаётган Афанди меҳмондорчиликка келган ошнасига: Яна қайси чолғу овози сенга ёқади деганда, ошнаси капгирнинг овози дейди - латифадан); 4) *капгир еган* гапи-калтак емоқ (Эри йўғида дўстининг уйига келиб, хотинига тегажаклик қилганда, хотини меҳмоннинг бошига капгир билан бир уради. Эри келгач, дўстига: -Нега ош емаяпсиз? деганда, хотини: -Дўстингиз сизгача бир капгир еган эдилар дейди) тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Пичоқ, ошпичоқ: 1) *пичоғи ёғ(мой) устида* гапи -фойдали жойда, мансабда ишлайдиган шахс; 2) *пичоқ суякка бориб етди (тақалди)* гапи - тоқат қилиб бўлмас-лик, сабри тугамоқ; 3) *пичоғи қайралган, қинидан чиқа-рилган* гапи - ўлим, нохуш воқелик; 4) *қиш ҳам пичоғини (қиличини) қайраяпти* гапи - изғирин, қировли кунлар яқин; 5) *пичоқсиз сўймоқ* гапи - қаттиқ уялтирмоқ, шарманда қилмоқ; 6) *пичоғи ўтмас* гапи - (хотинига,...) гапи ўтмайдиган, обрўсиз; 7) *пичоқ қинсиз қолмайди* гапи - хор бўлмаслик, кераксиз бўлиб қолмаслик (масалан, аёлсиз қолмаслик: Кетса, кетаверсин,-деди қоплоннинг холаси.-Аёл топилади! Пўлат пичоқ қинсиз қолмайди (Т. М., «Ойдинда юрган одамлар», 218-б.)); 8) *пичоғи ўтқир* гапи -забардаст, гапи ўтадиган одам; 9) *пичоқ аралашмоқ* гапи - ўлим бўлади (Энди,-деди,-ўртага пичоқ аралашади (С.Аҳм., «Жимжитлик», 227-б.)); 10) *пичоғи сув кесмас* гапи - ношуд, ландавур тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Дастурхон (тузлик): 1) *дастурхони йўқ (дастурхон ёзолмайди)* гапи - камбағал, йўқсил ёки зиқна, ноодам; 2) *ҳамма гап дастурхонда* гапи -

яшаш, пул, бойлик билан боғлиқ; 3) *дастурхони очик* гапи - меҳмондўст, қўли очик; 4) *дастурхони очик эмас* гапи - очкўз, қаттиқ, назари паст; 5) *у дастурхончи* (дастурхончи аёл бирикмаси бундан истисно) гапи-хушомадгўй, ўртада туриб манфаат кўрувчи шахс; 6) *дастурхон тузатилди* гапи - меҳмон кутмоқ, тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Туз: 1) *у тузи кам, тузсиз одам, сўзи ҳам тузсиз* гаплари - бемаъни, ақлсиз; 2) *ернинг тузи кўп* гапи - шўр ер; 4) *тузимга тупурди* гапи - туз урсин, худо урсин; 5) *тузини еб тузлиғига аритди (тупурди)* гапи - яхшиликка ёмонлик, яхшиликни билмаслик, нокаслик, кўрнамаклик, нонкўрлик; 6) *туз-намак эмасмиз* гапи - муносабатимиз йўқ; 7) *туз-намак бўлмоқ* гапи - яқинлашмоқ, шериклик қилмоқ, меҳмон бўлмоқ; 8) *нон-туз билан кутиб олдик* гапи - олий мартабали меҳмон; 9) *туз йиғилган (тўплан-ган)* гапи - касаллик; 10) *ярасига туз сенди* гапи - ғамини, аламини оширмоқ; 11) *тузли (шўр) нарсага кўнгли кетмоқ* гапи - омиладор тушунчаларининг эвфемик воситасидир.

Супра: 1) *номи улуғ-супраси қуруқ* гапи - назари паст, шуҳратпараст шахс; 2) *супрақоқди* - сўнгги туғилган бола, кенжа; 3) *супрани йиғиштириб олмоқ* гапи - вақтида ўз йўлини топмоқ, хатони тўғирламоқ; 4) *супра ёпилиб, чироқ қўйилди* (Т. Мурод) гапи - қоқтирмоқ, момооши¹ қилмоқ (диний удум) тушунчаларининг эвфемик восита-сидир.

Элак: 1) *Элакка борган хотиннинг элик оғиз гапи бор* гапи - эзма, лақма, ғийбатчи; 2) *элакдан ўтказди (роса элади)* гапи - ҳақорат қилмоқ ёки қаттиқ текширмоқ, назоратдан ўтказмоқ; 3) *етим (ёки лўли) қиз элакли бўлди, элаги тилакли (ёки керакли) бўлди* гапи - камба-ғалликдан бой бўлмоқ (кўрмаганнинг кўргани курсин маъносида); 4) *эл оғзига элак тутиб (қоплаб) бўлмайди* гапи - ғийбат, миш-миш, гап - сўзни тўхтатиб

¹ Омонтурдиев А. Профессионал нут= эвфемикаси.-Т.:Фан, 2006.- 137-б.

бўлмаслик; 5) *туя элакка қолганда бўкирган экан* гапи - чидамсизлик, ожизлик, сабрсизлик тушунчаларининг эвфемик восита-сидир.

ғалвир (чиғил): 1) *ғалвирдан ўтказмоқ* гапи - синов, имтиҳон қилмоқ; 2) *ғалвирни сувдан қўтармоқ* гапи - ишни якунламоқ, сарҳисоб қилмоқ; 3) *ғалвир қилиб юбормоқ* гапи - илма-тешиқ қилмоқ ёки жиддий тафтиш қилмоқ; 4) *ғалвирдан ўтолмади* гапи - имтиҳондан, синов-дан ўтолмаслик, «йиқилмоқ» тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Тандир: 1) *Том бошида қўш тандир, чекай деса уни йўқ* гапи - қуруқ дабдабабоз шахс; 2) *тандири қизиб кетганга ўхшайди* гапи - эрсирамоқ; 3) *тандирингга ўт тушдими?* гапи - совуқ ёки муз сув ичавермоқ тушунча-ларининг эвфемик ифодасидир.

Ўчоқ: 1) *ўчоғини қуритиш керак:* а) иситма, безгак, вабо, ўлим манбаини йўқотмоқ (қумқишлоқ деҳқонларини қийнаб келган иситма - безгак ўчоқларини қуритиш учун зовурлар қазиш керак (Х.ф., «Машъал», 76-б.); б) иғво ва душманлик ғоясини йўқотмоқ (Терроризмга қарши кураш, аввало, унинг иғво ўчоғини йўқотишдан бошланиши керак-радиодан); 2) *ўчоғидан ўт бермаса ҳам, омон бўлсин* гапи-фойдаси тегмаслик, қарашмаслик; 3) *ўчоқдан нон айлантириб бермоқ* гапи-ўрганган жойини (масалан, уйини) тарк этолмаслик; 4) *ўчоғидан ўт бермайди* - қизғанчиқ, зиқна, бахил тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Арра: 1) *арра қилмоқ* гапи-бировнинг ҳақини емоқ, иккига бўлиб олмоқ, ўғирламоқ; 2) *Баъзи раҳбарлар аррани тенг тортмайди* (сўзлашувдан) гапи - адолат-сизлик, одил эмаслик; 3) *қўлини томоғига арра қилиб қўрсатди* гапи - ўлдираман, сўяман тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Эгов: 1) *Болаларим умримнинг эгови бўлди* гапи - ғам, ташвиш, нохушлик; 2) *уйимизда бир эгов ҳам етарли* гапи - асаббузар (Бозорчи дўсти Афандига: -Янги эгов бор, олинг, -деди. Афанди: Уйдаги бир эгов

ҳам етарли,-деди кулиб-латифадан) тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Бигиз: 1) *мушт билан бигиз баробар эмас* гапи -фақир мансабдор шахсга, камбағал бой кишига тенг кела олмайди; 2) *хотинини (ёки эрини) бигизлаб туради* гапи -тинчлик бермаслик, ҳоли-жонига қўймаслик; 3) *қўлини бигиз қилиб кўрсатди* гапи - уялтирди, калака қилди, шарманда қилди тушунчаларининг эвфемик тасвири.

Игна: 1) *Умр бўйи қўлида игна ушламаган* гапи -оқбилак, танноз; 2) *Игнадан ип ўтмаса кўз нечун даркор экан* (қўшиқ) гапи - мазмунсиз одам, маҳиятсиз нарсаси; 3) *игнага ўтирган* гапи - наркоман; 4) *игнадан кўрқмоқ* гапи -укол олмоқ; 5) *игна билан қудуқ қазигандай* гапи - азоб, уқубат, машаққат тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Клей (елим): 1) *елим одам* гапи - шилқим одам; 2) *Ўтирғичингизга бир кило клей қўйиб қўйдим* (М.Сафаров) гапи-энди ўтириб ижод қилинг тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

қайчи: 1) *икки дўст опоқ-чапоқ, ўртага тушганнинг ҳоли чатоқ (хароб)* топишмоғи (қайчи) - кесилмоқ, нобуд бўлмоқ, таъзирини емоқ; 2) *бу иш - қайчиталаб* гапи - қайта тузатмоқ, таҳрирталаб гапларининг эвфемик ифодаси.

Омбур: 1) *Оғриқ тишининг давоси - омбур* (А.қ.) гапи -суғуриб ташламоқ; 2) *Бешта тишимга омбур теккан* гапи -бешта тишим суғурилган; 3) *У омбур одам* гапи - қаттиқ-қўл, жиззаки, бўлар-бўлмасга гапириб, чақиб турувчи шахс тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

қиллиқ (20-30 см. (баъзан каттароқ) узунликдаги, темирдан ишланган, қайчисимон, ҳар бир чорвадор уйида сақланадиган ибтидоий асбоб. Ўтмишда минг-минглаб қўй, эчки, туя жунлари ана шу асбоб орқали қўлда қирқилган (ҳозир фермаларда қиллиқ вазифасини бажарувчи электр асбоблар мавжуд) номи билан боғлиқ эвфемик кўчимлар ҳам юзага келган. Масалан, *ёш, ширвоз, олти ойлик, бир йиллик,*

гўшти даво, шифо, тансиқ мол (қўзи улоқ, дагар, сангач, гава, тўлбоши каби) тушунчаси очик айтилавермай - мақталавермай, кўпинча, чорвадор нутқида **қиллиқ тегмаган, қиллиқ урилмаган, қиллиқ кўрмаган** иборалари орқали эвфемалаштирилган. «Касалман» деб ётиб олганларга чорвадорлар: Унинг дарди дагарнинг гўшти деб ҳазиллашишади. Сабр қилинг, меҳмон, қиллиқ тегмаганидан келтиришди, бир отамлашайлик,-деди бухгалтер («Чағониён»,12.03 2001).

Молдор хонадорлар қиллиқ сўраб келувчиларга: уйи қиллиқ кўрмаганлар (қамбағал маъносида) эвфемасини қўллайдилар. Одатда мол биринчи қирқилганда, қуйруғи устида бир тутам жун («кокил») қолдирилади. Агар шу қолдирилмаса, «эргаш» қолдирмабсиз дейилади. Бу -молимиз кўпаймайди, уруғланиш давом этмайди тушун-часининг символик (рамзий) эвфемасидир.

Совун: 1) *совунимга кир ювмабсиз гапи* - ёмон, бад-феъл; 2) *совундай кўпираверманг гапи* - ҳаддан ош-моқлик, қуюшқондан чиқмоқлик; 3) *совундайгина* - муло-йим-хунук тушунчаларининг эвфемик тасвири.

Кетмон, бел: 1) *қўлига кетмон (белкурак) ушламаган гапи* - текинхўр, ялқов; 2) *қўли кетмонда қотган, кетмон-дан бахт топган гаплари* - меҳнаткаш, заҳматкаш; 3) *кетмонда нон пишириб еган гапи* - ўта оғир шароитда меҳнат қилмоқ; 4) *бели бақувват гапи* - бой, бадавлат; 5) *бели ингичка гапи* - (қизларга нисбатан) нозанин, нозик тушунчаларининг эвфемик тасвири.

Курак: 1) *куракда турмайдиган гап айтмоқ гапи* - сўк-моқ, ҳақоратламоқ; 2) *кураб ташланадиган одам гапи* -зараркунанда, ҳаётда ортиқча; 3) *кураги ерга тегмаган гапи* - курашда мағлубиятга учрамаган, йиқилмаган ту-шунчаларининг эвфемик ифодаси.

Болта: 1) *Оломон болта, шоха, белкурак кўтариб кўчага чиқди* (О., «қутлуғ қон», 281-б) гапи - қўзғолон; 2) *Болта тушгунча, тўнка дам*

олади гапи - ҳаётдан тўймаслик, умидворлик; 3) *Ойболта қўтарган, юзи қора латта билан ёпилган кимса* гапи - жаллод, ўлим тушунча-ларининг эвфемик ифодаси.

Теша: 1) *теша тегмаган* ибораси - ҳеч ким эшитмаган, янги гап; 2) *тешаси тошга тегди* гапи - омадсизлик, нохушлик; 3) *Муллолар ўқийди зиру забарни, усталар ташлайди теша-табарни* гапи - ҳар ким ҳам муллалик, усталик қила олмайди; 4) *тешаси тошни ҳам кесади* гапи - ўткир, забардаст, тадбиркор шахс тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Ўроқ: 1) *ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда хозир* гапи - текинхўр; 2) *бизлар ўроқчилармиз* гапи - қашшоқ, камбағал, қишлоқи тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Арқон (арғамчи, чилвир, ип, ришта): 1) *арқонни бўш қўйиш керак* гапи - ғафлатда қолдирмоқ; 2) *давлатнинг арқони узун* гапи - жинойтчини шошилмай қўлга олмоқ; 3) *Энди сиз ўзингизга арқон топинг* (Т. Малик, «Шайтанат», 3-китоб, 216-б.) гапи - ўзини-ўзи осмоқ; 4) *арғамчига қил қувват* гапи - тарафдор, мададкор бўлмоқ, қўллаб-қувватламоқ; 5) *Бу қулваччаларнинг бўйнида арқони бор* (Т. Малик, «Шайтанат», 2-китоб, 105-б.) гапи - қочиб қутул-маслик, керак бўлса ўлдирмоқ; 6) *илон чаққан ола чилвирдан кўрқади* гапи - юрак олдирмоқ, зада бўлмоқ, эҳтиёткорлик; 7) *жим ётмасанг чилвир солгум бўйнингга* гапи - ўлдирмоқ; 8) *бўйнингга ип* (арқон, чилвир маъно-сида) *тушгир* (қарғиш) гапи - ўл; 9) *бизни боғлаб турган ип(ришта)лар узилди* (сўзлашувдан) гапи - муносабатнинг бузилиши, ажрамоқ; 10) *ипсиз боғланганман* гапи - ихти-ёрсизлик, ноиложлик тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

қозиқ: 1) *қозиғи ер остига кетган, қозиғи маҳкам қоқилган* гаплари - «орқаси» бор, кучли, енгиб бўлмай-диган одам, мафия аъзоси; 2) *қозиқнинг боши бўлма учи бўлма, ўртаси бўл* гапи - боши бўлмоқ - калтакланмоқ, учи бўлмоқ - азобланмоқ, ўртаси бўлмоқ - тинг яшаш; 3)

қоқилган қозикдек ибораси - бепарво, ланж, анқов, томошабин; 4) *от айланиб қозиғини топади* гапи - ватан-сиз, туғилган жойисиз бахтли бўлолмаслик тушунчала-рининг эвфемик ифодаси.

Палахмон: 1) *қиз бола палахмон тоши* гапи - қиз бола ота уйида вақтинча яшайди, уйдан чиқиб кетади; 2) *Тарик экма палахмонинг бўлмаса, Хўкиз боқма дон-сомонинг бўлмаса* (чорвадор нутқидан) гапи - палахмонсиз тариғингни чумчуқ (қушлар) еб кетади тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

қамчи: 1) *қамчисидан қон томади* гапи - золим, бат-тол; 2) *яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи* гапи - ақлли кишига бир ишора етади, ақлсиз киши калтаклаш билан ҳам одам бўлмайди; 3) *қамчининг қозик (мих)да қолсин* (қарғиш) гапи - ўл; 4) *қамчиси осиклик қолди* гапи - ўлди; 5) *Салкам етмиш йил бошимиз узра қамчи ўйнади* (С. Аҳм., «Жимжитлик», 181-б.) гапи - ижтимоий адолат-сизлик, миллий зулм; 6) *отни қамчиланг* гапи - а) ишни тезроқ бажаринг, б) умр охирлашган, мақсадни тезроқ амалга оширинг; в) манзилга улгуриш керак; 7) *Ҳасанали ўтган фаслда Ҳомиднинг ўз оғзидан хотинларига қарши қамчи ишлатганини эшитган эди* (А.қод.) гапи - калтак-ламоқ, урмоқ тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Хуржин (тўрва-хуржин, тўрва-халта): 1) *иш хуржин, думи хуржинда* гапи - иш - ёмон, ўлда-жўлда, чала; 2) *бўйнига ола хуржин тушди* гапи - ўй-ташвиш, масъулият; 3) *Тўрам деб тўрвамдан, Хўжам деб хуржинимдан айрил-дим* гаплари - моддий зарар кўрмоқ; 4) *бўйнингга тўрва* - *хуржин ос* гапи - гадойчилик, тиламчилик қилмоқ; 5) *тўрва* - *хуржини бўшаб қолган* (сўзлашувдан) гапи - камбағал; 6) *бу ердан тўрва-халтангни, жийда-халтангни кўтар* гапи - ҳайдалмоқ тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Кели (ўғир) ва келитош: 1) *келинда қолдинг* - *келида қолдинг* (мақол) гапи - азобда қолмоқ, эзилмоқ; 2) *Тангриқул ҳам бир*

келитошдай хотинни деб умрини ўтказди (М. Сафаров) гапи - кичик, жиккак хотин тушун-чаларининг эвфемик ифодаси.

Мих: 1) *михдай* идиомаси - яхши, бақувват; 2) *тўшак (ўрин)га михланган* ибораси - ногирон, шол; 3) *беул (текин) бўлса михни ҳам кўндаланг ютадиган* гапи - ўта хасис, очкўз, зиқна тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

қулф-калит: 1) *Инсон қалби шундай мураккаб қулфки, унга ҳар қандай калит тушмайди* (Асқ.М., «Давр менинг тақдиримда», 81-б); *Кўнгил хазинасининг қуфли тил, Ул хазинанинг калидин сўз бил* (Н.) гаплари - инсон қалбига йўл топиш мушкул, ҳатто уни англаб бўлмайди; 2) *Таталитар тузумда тафаккуримиз қулф-калитланган эди* (Т. М., «Отамдан қолган далалар», 161-б.) гапи - эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлик; 3) *Битмайдиган иш йўқ, битади. Фақат бунинг калиди бой отанинг чўнтагида* (Ҳ. Ҳ.) гапи - пул, бойлик тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Кишан, занжир, тушов, ип: 1) *Занжирбанд шер енгаман дер* (У.,И.Султон) гапи - тушкунлик; 2) *Отелло: Тушовингни ортиқ бўшатаман* гапи - оилавий инқироз, оилавий ажралиш, ўлим; 3) *қутидор ва Отабек қўл- оёқларига занжир солинди* (А.қод.) гапи -хоинлик қилган, қўлга тушди, энди ўлдирилади; 4) *Бизни боғлаб турган ип (ришта)лар аллақачон узилган; Узма дўстлик ипини - улаш қийин* (қўшиқ) гаплари-оилавий муносабат, дўстлик бузилганлиги; 5) *Мазлумлар бўйинларидаги занжирла-рини, оёқларидаги кишанларини улоқтирдилар* гапи -хукмрон синфни ақдариб ташлаш, озод бўлмоқ; 6) *Зуннунхўжа Сидиқжонни «Ит» дейди. Сидиқжон: Ит бўл-сам, бўйнимдаги «олтин занжирингиз» ўзингизники, дейди* (А.қ.) матнида - қизингиз (Шарофат)дан ажрала-ман тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Кўрпа, тўшак: 1) *Бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйма* мақоли - жоҳиллик, ақлсизлик; 2) *Кўрпангга қараб оёқ узат* мақоли -

имкониятингга қараб иш қил; 3) *тўшакда ётиб қолмоқ* гапи - оғир касал; 4) *қўрпа-тўшак қилиб олган* гапи - касал, бетоб; 5) *У билан фақат тўшакда учрашар эди ёки Мен фақат тўшакда керакман* (Т.Малик, «Шайтанат», 1-китоб, 75-б.) гаплари - жинсий алоқа; 6) *қўрпа қўтармоқ* ибораси - ҳайдалмоқ тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Гилам: 1) *Гилам сотсанг, қўшинингга сот, бир чекка-сида ўзинг ҳам ўтирасан* гапи - яқинларингга яхшилик қил, ўзинг ҳам манфаат кўрасан; 2) *қани учар гилам бўлса-ю, манзилимга етсам* (Х.Тўхтабоев) гапи - орзу ва мақсадга ета олмаслик, хомхаёл тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Ёстиқ, болиш: 1) *ёстиқдошдан ажралмоқ* гапи - хотини ўлмоқ; 2) *ёстиғини қуритмоқ* ибораси - қириб ташламоқ, ўлдириб юбормоқ; 3) *ёстиқдош* - эр ёки хотин; 4) *Эъзозхон кечаси билан ёстиқни ҳўл қилиб чиқди* (Х.Ғ.) гапи - йиғлаб чиқмоқ; 5) *Бошимга болишлар ботди сен келмадинг* (қўшиқ) гапи - интизорлик; 6) *Ёмон эркак ёстиқ санар мақоли* - фоҳиш, хотинбоз; 7) *бир умр боши ёстиқ кўрмаган* гапи - чўпон ёки камбағал; 8) *ёстиқдош кўрмай ўтди* (сўзлашувдан) гапи - хотин олмай, уйланмай ўтмоқ; 9) *ёстиғи - тош* гапи - чўпон; 10) *Кўйида тоше* (ёстиқ маъносида) *тиларман қўйгали бош остида, Токи ўлсам қўйсалар бошимни ул тош остида* (Н.) гапи - уйланмай ўтмоқ; 11) *қизингни бошингга ёстиқ қиласангми? гапи-эрга* бериш керак; 12) *бош ёстиққа текканда, оғайни керак бўлади* гапи - касал бўлмоқ, ётиб қолмоқ; 13) *боши ёстиққа ийди* гапи - ўлмоқ; 14) *ёстиқни босма* гапи - увол, бошинг оғрийди; 15) *боши ёстиққа етмай кетади* (сўзлашувдан) гапи - уйқучи, тез ухламоқ; 16) *Ёшлигининг беш йили ёстиқ қучоқлаш билан ўтди* (М.Сафаров) гапи - беш йил ёлғиз яшамоқ тушунчала-рининг эвфемик ифодаси.

Сандиқ: 1) *сандиғи тўла* - бой; 2) *сандиғи бўшаб қолган* гапи - камбағал; 3) *Бу матолар кўринишда оҳори тўкилмаган бўлса-да, сандиқзада* (бўхчахўрда) *моллар* (М.Сафаров) гапи - сифатсиз мато; 4)

сандиғидан ажра-либди гапи - ўғирлик; 5) *Севги Тоҳирнинг сандиғида у билан бирга оқиб кетган* гапи - севги йўқ тушунчалари-нинг эвфемик ифодаси.

Ойна: 1) *ўзини ойнага солади,ойнадан* (ойна олдидан) *кетмайди* гаплари - олифта, ялқов, текинхўр, оқбилак; 2) *тушингни ойнага айт* гапи - ёмон, нохуш туш; 3) *аввал ўзинг ойнага қара* гапи - ўз айбингни билиб ол; 4) *Афтинг хунук бўлса ойнадан ўпкалама* мақоли - ёмонлигингни, омадсизлигингни ўзингдан кўр; 5) *қалб ойнаси хира тортган* гапи - кўнгил қолмоқ; 6) *Сен қарайдиган ойна аллақачон синган* (Т.Мурод) гапи - алоқа узилган, муно-сабат бузилган; 7) *ҳаммаси ойнадай равшан* гапи - сир очилмоқ, маълум бўлмоқ, адолатнинг қарор топганлиги тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Соат: 1) *соат сўрамаган, бесоат, бемавруд, бевақт кўчган* (чорвадор нутқидан) гапи - омадсизликка учрамоқ, нохуш воқелик юз бермоқ; 2) *олсанг - насиҳат, олмасанг бесоат* (чорвадор нутқидан) мақоли - омад ва омадсизлик ҳар кимнинг ўзига боғлиқ тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Чироқ: 1) *Умрим чароғи ёнди* (Иброҳим Адҳам) гапи -фарзанд тўғилди; 2) *ёнган чароғим ўчди* гапи - ўлим; 3) *чилласи чироқ кўрмаган* гапи - очкўз; 4) *чироқ кўрмай ўтди* гапи - фарзандсиз ўтмоқ; 5) *ичига чироқ ёқса ёришмайди* гапи - хафалик, тушкинлик, ғам; 6) *Икки олам чароғи* ибораси - Муҳаммад пайғамбар; 7) *ниҳоят, чироқ кўринди* гапи - нажод, илинж тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Тўнка (кунда): 1) *Болта тушгунча кунда (тўнка) дам олади* мақоли - ҳаётдан умидворлик, тўймаслик; 2) *Болта урдим кундага давши (товуши) кетди зиндонга* (шевада) топишмоғи - милтиқ ёки тўп отилиши; 3) *ана у тўнкани чақиринг* (сўзлашувдан) гапи - ҳис-ҳаяжонсиз, бефаҳм киши; 4) *сиз айтаётган одам бир чирик тўнка* (сўзла-шувдан)

гапи - ҳеч нарсага арзимайдиган, кераксиз бир одам тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Супурги, косов: 1) *Ёр юрган қўчаларни супурай сочим билан* (қўшиқ) гапи - юксак вафодорлик; 2) *қўлим-косов, сочим-супурги* гапи - машаққатли хизмат, оқсочлик, чўрилик; 3) *Ватан хоинларини ҳаётдан супуриб ташлаш керак* (радиодан) гапи - йўқотмоқ, ўлдирмоқ тушунчала-рининг эвфемик ифодаси.

Бошбоғ (нўхта): 1) *Болангиз бошбоғсиз қолибди, бошбоғи ечилибди, бўшалибди* (чорвадор нутқидан) гапи - интизомсизлик, ахлоқсизлик; 2) *бошбоғи (нўхтаси)ни боғлаб қўйинг, бошбоғини тартиб қўйинг* гаплари - тартиб-интизомга чақирмоқ; 3) *бошбоғи бўшалибди* гапи хотинга нисбатан айтилса, бузилмоқ, ёмон йўлга кирмоқ тушунчаларига нисбатан эвфемик восита бўлиб хизмат қилади.

Дор: *Кийиминг дорда қолсин қарғиши ўл тушунчасига нисбатан эвфемик ифода.*

Дўмбира, дўтор, най:

*Бир йил бўлди, дўмбиранг,
Торлари узилгани,
Ҳеч ким журъат қилмайди,
Уни қўлга олгани.*

*«қўзи маъраш» куйлари
Ҳар замон қалбимни ўртар.
Энди ҳеч эшитмасман
Найлайин, оҳим ортар.*

*Дуторинг садосини,
Булбуллар англар эди.
Найингнинг навосини,*

Оҳулар тинглар эди (Бойсун туман, Мачай қишлоғи гўяндаларидан) матни - думбира, дутор, най эгасининг ўлганига бир йил

тўлганлиги - йил оши берил-ганлиги, марҳум энди ҳеч қачон уларни чалиб бермаслиги тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Бешик, тувак, сумақ: 1) *Ҳабиб Абдуллаев фанимиз бешигини тербатганлардан эди* («Ф.Т.») гапи - фан асос-чиси, буюк олим;

2) *Алла айтиб бешигимни тербатган*

Ўғит бериб тилларимни сайратган (А. Раҳмон) гапи - туққан онам, она; 3) *Момоси, мен Денов бозорига бораман, бешик олиб келадиган вақт бўлди, шошилиб қолмайлик,- деди қоплон* (Т.М., «Ойдинда юрган одам-лар», 219-б) гапи - яқинда бола туғилади; 4) *Зал қуп- қуруқ, лоақал пойгакда бирорта тувак ҳам кўринмайди* (М.Сафар) гапи - зал безатилмаган, гул қўйилмаган; 5) *Ҳаво (осмон)нинг туваги тешилди* (чорвадор нутқидан) гапи-тинимсиз ёғаетган ёмғир; 6) *бешиккерт қилмоқ* ибораси - унаштирмоқ; 7) *Ўғилсиз хотин сумақка тўймас* мақоли - очкўз; 8) *Бунча миннат қилаверманг! Нима, сиз менинг бешигимни тебратганмисиз?* гапи - сиз менга оталик қилмагансиз, ўтказиб қўйган жойингиз ҳам йўқ тушунчаларига нисбатан эвфемик ифода.

Тоғора (тоз): 1) *Сен одам эмас, тешик тоғоранинг ўзисан* (А.Ҳакимов, «Оқсоқ бўри», 709-б.) гапи - яроқсиз киши; 2) *Эски ҳаммом - эски тоз* мақоли - ҳеч нарса ўзгармаган, ўша-ўша қолоқлик, ривожланиш йўқ; 3) *този катта* ибораси - кети катта; 4) *Чорларга 60 тадан кам тоғора жўнатмасин ёки Ҳаёти фақат тоғора кўтаришдан иборат бўлиб қолаётган аёлларимиз бор* («Туркистон», 6.10.03) гаплари - мазмунсиз ҳаёт тушунчаларининг эвфемик ифодаси.

Шуни такидлаш керакки, уй-рўзғор буюм (анжом)лари номи билан боғлиқ шаклланган эвфемик ибора ва ифодалар жуда бой ва ранг-баранг бўлиб, унда кўчим (метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик)нинг мураккаб усуллари кузатилади. Масалан, *Ит бўлсам, бўйнимдаги олтин занжирингиз ўзингизга буюрсин* (А.қ.) гапида ит ва занжир ўртасидаги боғланиш эр ва хотин муносабатларига

кўчирилган (**метонимия**); *занжирдан қутилмоқ* - озод бўлмоқ; *олтин занжирни топширмоқ*-хотиндан ажралмоқ; яъни қизини отасига қайтармоқ **метафора**дир.

Ёки қумри Саидага ёрилади: *Менга ит теккан, дейди. Саида: қозон очик қолса, ит ялайди-да, дейди* (А.қ.). Ушбу эвфемик матн ҳам метонимик (ит ва қозон ўртасидаги боғланиш), ҳам метафорик (очик қозон-хотин, яловчи ит-эркак) усуллар асосида юзага келган.

Чорвадор, деҳқон учун энг зарур бўлган **тулум, меш, саноч, қумғон, офтоба (обтоба), куви (куби, куппи, гуппи), пишкак, сузги, пўст-халта, ҳамён** (Ҳамён - ёнда юра-диган, аслда чўнтак эмас, пул сақланадиган қопчиқ ёки, кўпинча, хўкиз, кўчқор, така мояги терисидан махсус тайёрланган пўстхалта), **ойнахалта, қошиқхалта, чойхал-та, тузхалта, нондон, ғалладон, чова (чоба), кади, хурма, омоч, бўйинтуруқ, тиш, тиркиш** каби унитилиб бораётган уй-рўзғор буюмлари борки, булар ҳам эвфемик маъно ҳосил қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, **меш, тулум, саноч** (булар мол терисидан махсус тайёрланади) инсонга нисбат берилганда, **ўта семиз, бесўнақай, қорни катта, очофат, молсифат одам** тушунчаларини англатади: *Ўроқбой ака, келиб-келиб шу тулуму мешкайларни меҳмон қилганингизга ҳайронман-да,-деди қоровул* («Чағониён,16.03.2001). Ҳатто **тулум, меш, саноч** сўзлари шахсинг изоҳловчиси (лақаби) бўлиб ҳам келади: **Алиқул тулум, Сарибой саноч, Бозор мешкай** каби. *Оёғи қувидай* ибораси ҳаддан зиёд семиз, йўғон ёки шишган (қасаллик); *пишкакдай хотин* ибораси енгилтак, ўзини ўтга-сувга урмоқ, ҳамма нарсага аралашадиган, қилтириқ тушунчаларига нисбатан эвфемикликка эга.

Ё тиш синади, ё тиркиш узилади гапи (реал маъноси-дан ташқари) - жанжаллашмоқ; ё сен ўласан, ё мен ўламан тушунчасига нисбатан эвфемик ифода: *Сенга бир кун муддат, билиб қўй, ё тиш синади, ё тиркиш узилади* (Н. Эргашев, «Ўзанбий авлодлари», 75-б.). *Тиркиш бўлиб қолмоқ,*

тиркишдай чўзилмоқ ибораси - эти кетиб, озиб қолмоқ, чарчаб қолмоқ тушунчаларига нисбатан эвфемик ифода.

Бўйинтуруқ - жабр-зулм, қуллик (*Бойларнинг бўйинту-руғи остида эзилган Йўлчи...*(О.)); бўйсунмаслик, ман-манлик, бошбошдоқлик (*бўйни бўйинтуруққа ёки бўйнига бўйинтуруқ сиғмайди* - сўзлашувдан) тушунчаларига нис-батан эвфемик ифода.

қулоқчўп-қаттиқ ёғочдан, масалан, зарангдан тайёр-ланган калтакча бўлиб: 1) омоч ўқи билан тиркишни бирлаштирувчи: 2) ерни чуқур ёки юза ҳайдаш билан боғлиқ омоч ўқи тешикларидан бирига ўтқазиб қўйи-ладиган восита. қулоқчўп қанчалик олдинги қулоққа (тешикка) солинса, ер шунча юза ҳайдалади, ҳўкиз юриши тезлашади, иш ҳам тез бажарилади. Аксинча, қулоқчўп (**шамёнчўп** ҳам дейилади) орқага (қўшчи томон-га) сурилса, ер чуқур ҳайдалади, ҳўкизнинг юриши бироз секинлашади. Чорвадор-деҳқон нутқида **олдинги қулоққа солмоқ** ибораси (кўчма маънода) - бирор долзарб ишни орқага сурмаслик, кечиктирмаслик, пайсалга солмаслик (қолган ишга қор ёғар маъносида), аксинча, тезлаштир-моқ, жадаллаштирмоқ тушунчаларига нисбатан қўллани-лади. Ёки бугунги тилда **чўнтак, кисса** маъносида қўлла-надиган **ҳамён**-пул, бойлик; пулсиз, камбағаллик тушун-чалари (метонимик боғланиш)га нисбатан эвфемик ифо- да: *Ҳамёни тўла, ҳамёни бақувват, ҳамёни кўтаради* (бой, пулдор); *ҳамёни бўш, пуч, ҳамёни кўтармайди, ҳамёни касал; чўнтак туберкулёзига учраган* - окказионал қўллаш (камбағал, пулсиз) каби.

II. ЧОРВАДОР НУТҚИДА ҚЎЛЛАНАДИГАН МАҚОЛЛАР ЭВФЕМИКАСИ

Отдир йигитнинг йўлдоши. Кўчими: узоқни яқин қилувчи, оғирини енгил қилувчи, машаққат ва хавф-хатардан, ҳатто ўлимдан қутқарувчи, нажоткор.

От тепкисини от кўтарар. Кўчими: мардга мардлик қилмоқ; мард хатони кечира олади. Номард бунга қодир эмас.

От кўрмаган мина-мина (чопа-чопа) ўлдира. Кўчими: нарса қадрига етмаслик, фаросатсизлик, ақлсизлик.

От тепмас, ит қопмас дема. Кўчими: хушёр, эҳтиёт-кор, зийрак бўлмоқ; бирор нохуш воқеа юз беришидан огоҳ бўлмоқ.

Эрсиз хотин - югансиз байтал. Кўчими: ихтиёри ўзи-да, хоҳлаган ишини қиладиган киши ёки оёғи суюқ аёл.

Отдан йиқилса ёлини, эшакни йиқилса туёғини тўшайди. Кўчими: фожиа юз берганда, мард ҳимоя қилади; номард ташлаб кетади (*Отдан йиқилса пахта, эшакдан йиқилса тахта* варианты ҳам бор).

Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар,

От бошига иш тушса, сувлиқ билан сув ичар. Кўчими: қийинчиликларга чидамоқ, бардош бермоқ; иродасизлик қилмаслик.

Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди. Кўчими: мансаб-параст, шуҳратпараст, такаббур, нодон, фаҳмсиз киши.

Оёғи узангига етмаган, қўйнига ярим нон кетмаган. Кўчими: ношуд, нодон, бўлмас одам.

Яхши тулпор туёғидан тойриларми. Кўчими: мақсад-дан чекинмаслик, ҳаёт тўсиқларини енгиб ўтмоқ.

Отлиқнинг эшакли (ёки пиёда) билан не парвойи бор. Кўчими: бой ёки мансабдор одам камбағал, ночорларга этиборсиз бўлади.

От ўрнини той босар. Кўчими: аждодлар ўрнини авлодлар тўлдиради. Отаси ўлган бўлса, боласи бор.

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. Кўчими: ақлли кишига бир ишора етади, ёмон яхши бўлмайди.

Отларнинг туёғига бўлай наъл,

Душманларнинг томоғига бўлай ажал. Кўчими: *дўстнинг бахти, душманнинг ўлими учун тайёр турмоқ.*

Отга наъл қоқса, эшак ҳам оёғини кўтарибди. Кўчими: *номард, паст киши ўзини мен ҳам мард, буюк деб тушуниши.*

Яхши от кейин чопади. Кўчими: *зоти пок ёки иқтидор-ли одам барибир, олдинми, кейинми ўзини намоён қилади.*

От боғладим бодомга, куним қолди нодонга. Кўчими: *марднинг номардга, ношудга мухтожлиги - (От бойладим арчага (ёки ҳаччага), куним қолди бачча (бола)га вариан-ти ҳам бор).*

Замонанинг озгани - отдан эшакнинг ўзгани. Кўчими: *ақллилар, донолар устидан ақлсизлар ва нодонларнинг ғолиб келиши.*

Яқин турса тепишар, узоқ турса кишнашар. Кўчими: *тирикликда, омонликда, биргаликда инсонларнинг бир-бирларини қадрларига етмасликлари.*

Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Кўчими: *эҳтиёт бўл, акс ҳолда бирор фожеага дучор бўласан.*

Йигитга панд берар отнинг майиби,

қозига панд берар ношуд ноиби. Кўчими: *хиёнат-корлик, нодонлик туфайли юзага келадиган қулфатлар.*

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,

Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас. Кўчими: *инсон бахти -жамиятда; бир киши бахтли бўла олмайди.*

Алп - онадан, от - биядан, лўк - тўядан. Кўчими: *зоти паст онадан яхши зурриёт қолмайди.*

От айланиб қозиғини топар. Кўчими: *инсон қанчалик беқарор, бебош бўлмасин, у барибир оиласини, ватанини тарк этмайди ёки қўмсайди.*

Пиёда (ёки эшакли)ни-ку қўйинг, отликқа ҳам топилмайди.
Кўчими: *камбағални-ку қўйинг, бой-бадав-латга ҳам йўқ.*

От босмайман деган жойини ҳам босади. Кўчими: *инсоннинг тарк этган, бормайман деган жойига яна қайтиб бориши.*

Отнинг ўлими - итнинг байрами. Кўчими: *фақат ўз манфаати учун курашувчи худбин шахслар.*

Тойчопарларга кунинг қолмасин. Кўчими: *ҳеч кимнинг ношуд, норасо, қўлидан иш келмайдиганларга иши тушмасин.*

Бировнинг отидан тушмайдиган. Кўчими: *бировлар-нинг меҳнати, шуҳрати ҳисобига яшайдиганлар.*

Отаси бир отга мин, отаси бошқа отдан туш. Кўчими: *уруғ-аймоғчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчи-ликка йўл қўймоқ, кенг маънода миллатчилик қилмоқ.*

Ёмон отнинг ҳам олти ой азаси бўлади. Кўчими: *инсонни қадрлашга даъват.*

қулунли байталнинг бошига иш туғса, қулунига қарамас.
Кўчими: *пичоқ суякка етганда, сабр косаси тўлганда, инсон шавқатсиз бўлади.*

Так-такка турмайди (бунда так отни тўхтатиш учун қўлланадиган ундов сўз). Кўчими: *муомала-мулозаматга қўнмайдиган, иззат-икромни писанд қилмайдиган шахс.*

Бировнинг отини боғласанг, биров сенинг ҳам отингни боғлайди. Кўчими: *ҳурмат қилмасанг, ҳурмат қўрмайсан.*

Отдай. Кўчими: *соғлом, бақувват одам.*

Эгарланган отдай. Кўчими: *топшириқ, иш-ҳаракат ижросига тайёр шахс.*

Ишлаган тишлайди, ишламаган кишнайди. Кўчими: *кишнайди - оч қолади, хор бўлади.*

Айғири қаттиқ - жилови қаттиқ. Кўчими: ўзгаларга бош эгмайдиган, тан бермайдиган, мағрур, ўжар одам.

Жилдириб қўймоқ. Кўчими: бировларни алдаш, ғаф-латда қолдириш.

Жиловини қўлга олмоқ. Кўчими: ўзгалар ихтиёрини ўзига қаратмоқ, бўйсиндириб олмоқ: Ўлмасак кўрамиз. Катта-кичик идора раҳбарларининг жилови шуларнинг қўлига ўтади (Т. Малик, «Шайтанат», 1-китоб, 312-б.).

Дўнон офати, ғўнон офати бор (сўзлашувдан). Кўчими: комилликка эришиш учун жуда кўп қийинчилик ва тўсиқларни енғмоқ, синовлардан ўтмоқ.

Озиқли от ҳоримас. Кўчими: заҳирасиз, моддий таъминотсиз ҳаёт ишончли эмас - хавфли.

От ўйнатмоқ (бошда от ўйнатмоқ). Кўчими: бошбош-доқлик, ҳақорат, ахлоқсизлик, жабр-зулм қилмоқ.

Арпа емас отларим ажриққа зор бўлди,

Бугдой емас отларим бугдойиққа зор бўлди. Кўчими: қаноатсиз, ношукур, борининг қадрига етмайдиган одам.

Баланд охурдан ем еган. Кўчими: кибру ҳаволи, собиқ раҳбар, оддий халқни назар-писанд қилмайдиган одам.

Отни қамчилаб қолмоқ. Кўчими: ими-жимиди қочиб қолмоқ.

От устида қулоқ боғлайди. Кўчими: такаббур, буйруқ-боз, бюрократ одам.

Ёмон яхши бўлмас, эшак бахши бўлмас; Эшак тўйса (семирса), эгасини тепади; Эшак эгасини, пишак бекасини танимас: бу мақолларнинг кўчими: номард мард бўла олмайди; нокасу ножинсдан одамий чиқмайди: **Асли қора оқармас, туби қинғир тузалмас** (мақол) тушунчалари мавжуд.

Инсонга - либос, эшакка - тўқим. Кўчими: *инсон ўзига ярашадиган иш, қилиқ қилиши билан инсондир.*

Лўлининг эшагини суғор-у, пулини ол. Кўчими: *кун кечириш, яшаш учун курашмоқ.*

Эшакнинг тушига ем киради. Кўчими: *ҳар кимнинг ўз дарди бор.*

Эшак минганнинг оёғи тинмас, икки хотинлининг қулоғи тинмас. Кўчими: *тинч, осойишта яшаш учун кураш орзуси.*

Эшакда қилсанг сафар, қайғую ғаминг ортар. Кўчими: *ночорлик, камбағаллик туфайли мақсадга эриша олмаслик.*

Юки енгил эшак ётагон бўлар. Кўчими: *ишсиз одам ялқов бўлади.*

Эшакнинг танлагани - шўра. Кўчими: *дидсизлик ва фаросатсизлик тушунчаси.*

Биров эшагингни «иш» деган эмас. Кўчими: *ҳеч ким томонидан тегинилмаганлик, халақит берилмаганлик, дахлсизлик тушунчалари.*

Мулла минган эшакдай. Кўчими: *ҳорғин, ёввош, ўзига келиб қолган шахс.*

Эшагидан тушови (тўқими) қиммат. Кўчими: *ўзига бино қўйган, керагидан ортиқ қимматбаҳо кийим танлай-диган шахс.*

Эшак минган етар муродга, отлиқлар ҳам қолар уятга (сўзлашув). Кўчими: *камтарлик камолга, манманлик заволга олиб боради тушунчаси.*

Эшак ўтда турмайди, бўқда туради. Кўчими: *нодон, фаҳмсиз киши ўз қадр-қимматини, ўз ўрнини билмайди тушунчаси.*

Эшакнинг қулоғига танбур чалгандай. Кўчими: *фаҳм-фаросатсизлик, бирор нарсанинг моҳиятига тушуниб етмаслик тушунчалари.*

Эшакка айил, ҳўкизга гаврон, отга тушов (ёки жилов) бўлолмас (сўзлашувдан). Кўчими: *ношуд, бўлмас, нокас шахс тушунчалари.*

Эшакка эгар чи кора (не керак), Эшакка эгар яраш-мас. Кўчими: таги паст, ношуд, ярамас, фаҳмсиз бўла туриб, олий мансаб-мартаба давосини қилувчи шахс.

Давлатни бой кўтарар, семизликни қўй кўтарар. Кўчими: ўзидан кетиб қолиш, кимлигини унитиб қўйиш, манманлик, такаббурлик қилиш.

қўчқор бўламан деган қўзининг манглайи дўнг бўлар. Кўчими: бўладиган бола ёшлигидан билинади.

қўй оғзидан чўп олмаган. Кўчими: беозор, безарар, одобли одам тушунчаси.

Мардлик қилдинг қўй сўйдинг,

Итлик қилдинг тўш қўйдинг

Ёки

қўчқор сўйиб, мардлик қилдинг,

Калла қўйиб, итлинг қилдинг. Кўчими: меҳмон кутиш маданиятини ўрнига қўя олмаслик.

Каллапаз синса, ўчоғини оқламайди. Кўчими: ишсиз, бекорчи бўлиб қолмоқ.

Етим бола асрасанг, оғиз-бурнинг қон этар,

Етим қўзи асрасанг, оғиз-бурнинг мой этар. Кўчими: яхшиликни билиб қилиш, шўр ерга уруғ сепмаслик тушунчаси.

қўй кўрмаган бўлса ҳам, қий (қумалоқ) кўрган. Кўчими: бадавлат, обрўли хонадоннинг фарзанди, кўрган-нинг боласи, қўзи тўқ.

Минг қўйлининг иши бир қўйлига тушибди. Кўчими: одамга одамга керак, одам одам билан тирик, одам одамсиз яшай олмайди.

Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас. Кўчими: келишмовчилик, дунё учун курашиш, мурасасизлик.

Шишак единг - пишак единг. Кўчими: шишак (уч яшар қўй) ориқ бўлади, сўйиб еб бўлмайди.

Эчки пастда бўлса маърайди, тоққа чиқса тош юмалатади.
Кўчими: *бебурд, сотқин, чидамсиз, фириб-гар, худбин, амалпараст шахс.*

Эчкимижоз одам. Кўчими: *енгилтак, бетайин, ўйлов-сиз (эчки қасам одам ҳам шундай).*

Эчки элчи бўлолмас (ёки эчкидан элчи чиқмас),

Тулки совчи бўлолмас (ёки тулкидан совчи чиқмас). Кўчими: *енгилтак, беқарор, риёкор, тутруқсиз, нобакор, бебурд шахс.*

Эчкининг ўлгиси келса, қассобга тегинади (сурка-нади). Кўчими: *тўғри юрмаслик, ўзини бошқара олмас-лик, зўрни зўр билмаслик.*

Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси. Кўчими: *ҳар кимнинг ўз манфаати учун курашиши, бу йўлда бир-бирига шавқат қилмаслик.*

Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Кўчими: *буюклар олдида оддий одамлар ҳеч ким эмас.*

Ўзини ака, эчкисини така дейди. Кўчими: *хушомад-ғўйлик, лаганбардорлик.*

Тилаб олган эримни эчки тепиб ўлдирди. Кўчими: *машаққат билан эришилган нарсани қўлдан бой бериб қўймоқ.*

Офтобда қолган эчкидай. Кўчими: *ғариб, ожиз, мадорсиз, ланж шахс.*

Бир эчки сўйдим, ҳаммаси ичакка чиқди. Кўчими: *совурилган бойлик, беҳуда меҳнат.*

Туянинг мазор билан нима иши бор. Кўчими: *инсон-лар ўртасидаги муносабатсизлик, совуққонлик, бир-бири-га лоқайдлик, бепарволик; худбинлик, бефарқлик.*

Туя соғдим иймади, пешанамга сиймади (сиғмади). Кўчими: *омадсизлик, ўқотиш, ўлим.*

Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади. Кўчими: *ҳар ким ўзи учун ишламоқ, ўзинг учун ўл етим.*

Туя - саҳро кемаси. Кўчими: *бардошлилик.*

Туя сўйса ҳам келмайди. Кўчими: *ўта азиз, буюк одам (буни очиқ айтиш истиҳола қилинади).*

Туя кўрдингми, йўқ. Кўчими: *бирор нарса (сир)ни айтиб қўйиб балога қоламаслик, тинч юрмоқ.*

Туя қанча бўлса, жиҳози ҳам шунча. Кўчими: *буюк-ларнинг ҳам ўзига яраша ташвиши бўлади.*

Туянинг териси-эшакка юк. Кўчими: *улуғлар, катталар қилган ишни ношудлар қила олмайди. Ношуд ва нодонлар буюк бўла олмайди.*

Туя миниб узоқни кўзламоқ. Кўчими: *ўйловли, анди-шали бўлмоқ.*
қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Кўчими: *оғайнидорлик, содиқ дўстларга эгалик.*

Туя элакка қолганда бўкирибди. Кўчими: *ҳамма қийин-чиликка бардош бериб, арзимаган ишга чидамаслик, ишни охирига етказмаслик, иродасизлик; қирқига чидаб, қирқ бирига чидамаслик (мақол).*

Юк тойлоққа қолмасин,

Юрт нодонга қолмасин. Кўчими: *қунинг ношуд, нодон, номард, норасоларга қолмасин.*

Ҳайт деган туяга мадад. Кўчими: *ташвишда, оғир кунларда қолган, бошида ташвиш тушган кишиларга ёрдам, далда бермоқ.*

Камабағални туянинг устида ит қошибди. Кўчими: *омадсизлик, кутилмаган бахтсизлик.*

Йилдан қолган туядай. Кўчими: *савлатига ишониб, обрў-эътибордан, мансаб-мартабадан қуруқ қолмоқ.*

Туядай қиз узатдим-у, тугмадай жез (жаз, жизза) тотмадим. Кўчими: *қўп яхшиликлар қилиб, яхшилик эмас ёмонлик кўрмоқ.*

Туянинг думи ерга текканда. Кўчими: *ҳеч қачон ижро қилинмайдиган иш-ҳаракат, юзага чиқмайдиган воқеълик (Туя ёнғоқ ташлаганда ёки Тошбақа тоққа чиққанда ҳам шундай маънода).*

Нафси туяни ютадиган. Кўчими: *очкўз, порахўр одам.*

Ит ҳурар, карвон ўтар. Кўчими: қуруқ гапирмоқ, лақиллаб қолмоқ.

Ит-вафо, хотин-жафо. Кўчими: умуман, вафо ва вафо-сизлик, одабий ва ноодабийликни таъкидлаш.

Ит боласи тура озар. Кўчими: боланинг маълум ёшда айниб кетиши.

Ит ётиш - мирза туриш. Кўчими: кўринишдан яхши, аслида ёмон ҳаёт, усти ялтироқ, ичи қалтироқ яшаш.

Ит эгасини танимайди. Кўчими: оғир замон, масалан, уруш.

Итнинг кейинги оёғи. Кўчими: обрўсиз, беписанд.

Итнинг ўлгиси келса, мачитнинг меҳробига сияр. Кўчими: қилиқсиз, аҳмоқ, ўзини бошқара олмайдиган шахс.

Эгаси сийлаган, итига суяк ташлар. Кўчими: дўст, биродар, қариндош-ақрабларини ҳам ҳурмат қилмаслик, одобсизлик.

Ит иззатни, эшак тарбияни билмас. Кўчими: яхшилик-ни билмайдиган, қадрлай олмайдиган, паст, нокас одам.

Ит қўрилган жойга ўч. Кўчими: нопок кишиларнинг бойлик, хазинани юлишга, ўғирлашга уриниш, кераксиз, ноқонуний ҳаракат.

Ит қуруқ - чўмич қуруқ. Кўчими: ҳаром, макруҳ таом ва нарсалардан тортинмаслик, истеъмол қилишлик.

Ит қутурса, эгасини қопар (тишлар, талар). Кўчими: тўқликка шўхлик, яхшиликка ёмонлик қилмоқ.

Итининг феъли (қилиғи) эгасига маълум. Кўчими: ҳар бир нарсанинг ўз қушандаси бор.

Ит енгганини талар. Кўчими: дўст-душманни танимас-лик, бечораларга зулм қилиш.

Минг бир икки пандим бор, хуби тоза кўрмасин. Кўчими: қанчалик ақлли, тадбиркор бўлсанг ҳам эҳтиёт бўл, ўлим хавфи йўқ эмас.

Боғланган този овга ярамас. Кўчими: эрксиз, қарам одам мустақил фикрлай олмайди, кураша олмайди, ожиз бўлади.

Бировлар юртида қози бўлгандан,

Ўз юртингда този бўлганинг яхши. Кўчими: *Ватанга муҳаббат, садоқат, халқпарварлик, меҳр-вафодорлик тушунчаси.*

Ит итлигини қилади. Кўчими: *ёмон яхши бўлмайди, тарки одат амри маҳол.*

Оғзидан оқ ит кириб, қора ит чиқди. Кўчими: *ўта беҳаё, маданиятсиз, шаллақи.*

Ит-мушук бўлмоқ. Кўчими: *муросасизлик, душманлик, келишмовчилик.*

Ораларидан ола мушук ўтган. Кўчими: *муносабатнинг бузилиши, араз, душманлик.*

Мушугини «пишт» деёлмайди. Кўчими: *лаганбардор, таъзимкор, қарам (мутеъ), номустақил одам.*

Олдиндан қора ит чиқсин. Кўчими: *бахтсизликка учра.*

Оқ ит, қора ит - барибир ит. Кўчими: *қўринишидан, вазифасидан қатъи назар, нопок, нобакорларнинг яхшиси бўлмайди тушунчаси.*

Шаҳарда итинг адашдими? Кўчими: *мақсадсиз дайдиб юрувчи шахсга нисбатан.*

«Олҳа-ол»га ит ўлибди. Кўчими: *худа-беҳуда ваҳима қилавериш салбий оқибатларга олиб келади.*

Итга сув сепсанг, юзингга сугал тошади. Кўчими: *бировга озор берсанг, ўзингга қайтади.*

Яхши ит ўлигини кўрсатмас. Кўчими: *ақлли одам ўз ғамини ўзи ейди - бировга оғирлигини туширмайди.*

Ит итга буюради, ит қуйруғига. Кўчими: *ўзи бажариши керак бўлган ишни бировга буюриш.*

Ўзбекнинг кичиги бўлгунча кучуги бўл. Кўчими: *ёши кичиклар катталарга хизмат қилиши кераклиги.*

Ит теккан. Кўчими: *ҳаром (овқатга нисбатан), қизлик номуси бузилган: Умида ерга қараб: Менга ит теккан,- деди (А.қ., 2-т., 83-б.).*

Ит боласи қурбонликка ярамас. Кўчими: *таги паст, ношуд, нобакор одам ҳаёт учун яроқсиздир.*

қўйдан чиққан итдай молга эргаша олмабди. Кўчими: *қўлидан иш келмайдиган, нўноқ, яроқсиз одам.*

Эр-хотин - қўш ҳўкиз. Кўчими: *ҳаёт ташвишларини тенг тортмоқ, тенг ҳаракат қилмоқ.*

Ҳўкизинг хўро бўлди - берди Худо,

Хотининг хўро бўлди - урди Худо. Кўчими: *бойимоқ ва камбағал бўлмоқ рамзи.*

Ҳўкиз ўлди - ўртоқ айрилди. Кўчими: *бирор манфаат асосида қурилган муомала-муносабатнинг бузилиши.*

Ҳўкизнинг шохига урсанг, танасига зил кетади. Кўчи-ми: *болалари, уруғларига зуғум қилиш орқали каттала-рини ранжитиш, азоблаш, ҳўрлаш.*

Силаганни сигир билмас, сийпаганни ҳўкиз билмас. Кўчими: *яхшиликни билмайдиган, бошқаларни қадрлай олмайдиган одам.*

Ҳўкиз бўлсин сут берсин. Кўчими: *фойда, мафаат учун кураш.*

Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Кўчими: *қўлидан иш келмайдиган, имкониятсиз, ношуд одам.*

Яхши бузоқ (ёки улоқ) икки онани эмади. Кўчими: *зийрак, тадбиркор, эпчил одам.*

Аммамнинг бузоғи. Кўчими: *Ношуд, қўлдан иш келмайдиган, лапашанг, латта одам.*

Моли тўқнинг кўнгли тўқ. Кўчими: *очлик, ночорлик, камбағаллик хавфи йўқ.*

Одам оласи ичида, мол оласи ташида (сиртида). Кўчими: *инсон кўнглини билиш қийин-муғомбир, тулки бўлади.*

Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлар. Кўчими: *яхшидан яхши, ёмондан ёмон қолади.*

Бузоқнинг ҳақи кетади деб, сигирнинг сутини ичмай-ди.
Кўчими: *кесатиқ маъносидаги тақводорлик, аслида ҳаромхўрлик.*

Подадан олдин чанг чиқармоқ. Кўчими: *ўйловсиз шошилиб қилинган ишлар, айтилган гаплар.*

Икки сигирлининг уйи айрон,

Икки хотинлининг уйи вайрон. Кўчими: *икки сигирли- (умуман, молдор) бой-бадавлат, икки хотинли - маънавий қашшоқ, пароканда, бахтсиз.*

Сигир қуйруқ қилиб гапирмоқ. Кўчими: *фикрни ётиғи билан ифодаламоқ, қўполлик қилмаслик.*

ғуножин кўзини сузмаса,

Буқа ипини узмайди. Кўчими: *қарс икки қўлдан чиқади.*

Айрилганни айиқ ер,

Бўлинганни бўри ер. Кўчими: *бирлик ва иттифоқ бўлмаса, ютуқ ва муваффақиятларга эришиб бўлмайди, пароканда бўлмоқ.*

Айиқ бўлсин, эринг бўлсин,

Унгур бўлсин, уйинг бўлсин. Кўчими: *дунёдан фар-зандсиз, эрсиз, уй-жойсиз, тоқ ўтмаслик, Ватанни улуғ-лаш ғояси.*

Бўрини йўқласа, қулоғи кўринар,

Хизрни йўқласа, таёғи кўринар. Кўчими: *ўйлаб тур-ганда тасодифан келиб қолган азиз меҳмон, хурсанд-чилик (эмоционал ҳолатга нисбатан).*

Бўрида Азроилнинг туки бор. Кўчими: *ҳазар қили-надиган, қўрқинчли шахс.*

Бўри бир кечада юз қўтонни санайди (Бўри бир кечада минг овул санаркан). Кўчими: *ўлжа қидирмоқ, молларни еб кетмоқ.*

Кийигим тоққа чиқиб кетди. Кўчими: *бирдан жаҳл-ланмоқ, ғазабланмоқ.*

Арслоннинг ўлиги - сичқоннинг тириги. Кўчими: буюк-лар ўринини ношудлар боса олмаслиги.

Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон. Кўчими: бад-номлик, ёмон отлиқ бўлмоқ.

Бўрими, тулкими. Кўчими: яхши ва ёмон хабар рамзи.

Занжирбанд шер, енгаман дер. Кўчими: иложсиз бўла туриб, бирор ишга ортиқча, беҳуда уринмоқ.

Отанг чўчқа бўлса ҳам, нўқталаб боқ. Кўчими: ота олдидаги хизматни адо этиб бўлмаслик.

Бўрини қанча боқсанг ҳам, ўрмонга қараб қочади. Кўчими: душман эл бўлмайди.

Филдай кучинг бўлса ҳам, мўр бўлиб кўрин. Кўчими: камтар бўлмоқ, манманлик қилмаслик.

Сичқоннинг уйи минг танга. Кўчими: иложсизлик, танг аҳволда қолмоқ.

Туя бир танга - қани бир танга?

Туя минг танга - мана минг танга. Кўчими: пул - имконият гарови. Камбағаллик хўрлик келтиради.

Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас. Кўчими: ваъдага вафо қилмаслик-номардлик, нокасликдир.

Икковга биров етолмас,

Отлиққа яёв етолмас. Кўчими: ўз имкониятини бил-масдан, мартабали одамларга таассуб (ҳасад) қилиб, овора, сарсон, масхара бўлиб қолмоқ.

Уюрли қўйдан бўри ҳам қўрқар. Кўчими: бирлик (иттифоқлик) душмандан, фожеалардан, ҳатто ўлимдан сақлаб қолади.

Отинг борида йўл тани, ақлинг борида эл тани. Кўчими: ёшлигингданоқ бахт учун курашсанг, бахтсиз бўлиб қолмайсан.

Кун ҳисобини ой олар,

Бедов ўрнини той олар. Кўчими: *умр ўткинчи: қарилар ўлиб, ўрнини ёшлар олади.*

Йўлбарс боласини тутмоқ учун, йўлбарс уйига кирмоқ керак. Кўчими: *инсон риёзат чекиб, ҳатто ўлимга тик бориб бахтга, мақсадга эришади.*

Бозор кўрган эчкидан қўрқ. Кўчими: *айёр, туллак, беҳаё, имонсиз одам ҳамиша хавфлидир.*

Бозордан қайтган сигирдай. Кўчими: *обрўсиз, шар-манда, масхара.*

Ёв йўқ дема - бўрк остида,

Бўри йўқ дема - жар остида. Кўчими: *хавф-хатардан ҳамиша огоҳ бўл, акс ҳолда фожеа, ўлим кутади.*

От минсанг ўйлаб узоқни, билиб юр йўлдаги тузоқни. Кўчими: *кучли бўлсанг ҳам, огоҳ бўл! Хавф-хатардан ҳоли эмассан.*

Тулкининг тавбасидан қўрқ, муғомбирнинг навҳа (йиғи)сидан қўрқ. Кўчими: *нобакор, таги пастларга ишон-ма, ҳазар қил, акс ҳолда ҳаётинг хавф остида қолади.*

Эл ўғрисиз бўлмас,

Тоғ - бўрисиз. Кўчими: *кутилмаган хавфдан огоҳ бўл-моқ, бирор фожеа юз беришининг олдини олмоқ.*

Бошинг икки бўлмагунча,

Молинг икки бўлмайди. Кўчими: *ҳаётга, яшашга тайёр бўлмаса, киши камбағал, бахтсиз бўлиб қолаверади.*

Бўрини аясанг, сени талайди. Кўчими: *душманни ўлдир, акс ҳолда сени ўлдиради.*

Ёмон отда юргунча,

Яёв юрган яхшироқ. Кўчими: *нокасларга суяниб яшагандан кўра, қашшоқ, фақир бўлиб умр кечирмоқ афзалдир.*

қобил ўғил от миндирар,

Ноқобили отдан индирар. Кўчими: қобил фарзанд отани бахтли,
ноқобили бахтсиз қилади.

Ўзи бозорга сиғмаган туя қўшани билан кирибди. Кўчими: ўз
имкониятини билмайдиган нодон, бефаҳм, аҳмоқ шахс.

От кишнашиб топишар,

Одам - эслашиб. Кўчими: инсон машаққат, риёзат чекмагунча,
ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди, бахтли бўла олмайди.

Одам тилидан топар,

Хўкиз - мўгузидан. Кўчими: хато, ноўрин қилиқлар, ёмон феъл
инсонга фожеа, бахтсизлик келтиради.

Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув. Кўчими: ҳаёт машаққат ва
ташвишдан иборат.

Отни аяган отга етар,

Тўнни аяган тўнга етар. Кўчими: тежамкорлик (ақлли-лик)
инсонни бахтли, исрофгарчилик (ақлсизлик) инсонни камбағал, бахтсиз
қилади.

Товуқни есанг бир ейсан,

Тухумни есанг минг ейсан. Кўчими: исрофгарчилик инсонни
камбағал қилади, тежамкорлик бой қилади.

Ёнида бир пули йўқ,

Туянинг тишини кўрар. Кўчими: ўз имкониятини билмайдиган,
нодон, бефаҳм, аҳмоқ шахс.

Эшак юрар қатқоқда,

Маълум бўлар ботқоқда. Кўчими: қийинчиликлардан, ҳаёт
синовларидан ўтмаганлик.

Эшаги лойдан ўтган. Кўчими: иши битиб, яхшиликни унутган нокас
шахслар.

Ёмон отга ёл битмас,

Ўлармонга мол битмас. Кўчими: *тагинаст, асли ёмон одам яхши ёки бахтли бўлмайди.*

Ёмон ҳўкиз шамиён синдирар (ёки қайтарар). Кўчими: *ақлсизлик, фаросатсизлик, тартибсизлик, яхшиликни билмаслик.*

Итнинг иши узмоқ,

Ёмоннинг иши бузмоқ. Кўчими: *доимо ёмонлик қилув-чи куч, зараркунандалар.*

Тулки тумшуғидан илинар. Кўчими: *алдоқчилик, эгри-лик ўлимга олиб боради.*

Тирроқи бузоқ подани булғар. Кўчими: *халққа, жами-ятга иснод келтирувчи шахс.*

Ёли қуюқ эшакдан,

Яғир бўлган от яхши. Кўчими: *нокас бойдан, ақлли камбағал яхши.*

Озган от арғумоқ бўлмас. Кўчими: *кўримсиз (жасад-сиз) кишидан полвон чиқмайди.*

Илон қувса йўлга қоч,

Туя қувса ўрга қоч.

(ёки Илон қувса яқалаб қоч,

Йўлбарс қувса гўрга қоч). Кўчими: *муайян хавф- хатарларнинг олдини олмоқ, даф қилмоқ, ҳатто баъзи ҳаракатлар одамни ўлимга олиб бориши мумкинлиги.*

Тойчани той деб хўрлама,

Эрта-индин от бўлур. Кўчими: *калтабинлик, узоқни кўра олмаслик.*

Ўзингни эр билсанг,

Ўзгани шер бил. Кўчими: *худбинлик, манманлик, шуҳратпарастлик.*

Бир кунга ҳўкиз ўлмас,

Икки кунга эгаси бермас. Кўчими: *кўра олмаслик, бахиллик, очкўзлик, ноодамийлик, пасткашлик.*

Бўридан қўрққан тўқайга кирмас.

(ёки **Бўридан қўрққан мол қилмас; Чумчуқдан қўрққан тариқ экмас**). Кўчими: *иродасизлик, журъатсизлик, қўрқоқлик, бирор ишни охиригача етказа олмаслик.*

Бўрининг қулоғи овда. Кўчими: *фақат фойдани, «ўлжа» ни, манфаатдорликни ўйловчи, тамагир шахс.*

Ер овлоқ бўлса, тўнғиз тепага чиқар. Кўчими: *имко-ният туғилди дегунча фойдага, мансабга ўзини урадиган нопок кимсалар.*

Овул ити ола бўлса,

Бўри келса, бирикар. Кўчими: *халққа хиёнат, жиноят қилмоқ.*

От сурунмай, йўл топмас. Кўчими: *муайян қийин-чиликларни, тўсиқларни енгмай, бахтга, мақсадга эришиб бўлмаслик.*

Оч бўри йўртағон келар. Кўчими: *ҳаёт қийинчилик-лари, йўқлик ҳамма нарсага, ҳатто жиноий ишларга қўл уришга мажбур қилади.*

Танлаб-танлаб тозига учрамоқ. Кўчими: *кўп уринишга қарамай, иш ўнгидан келмаслик, бахтсизликка учрамоқ.*

Бўрини қанча боқсанг, ўрмонга қочади (итни қанча боқманг, оғзини гандаликка уради). Кўчими: *қанчалик тарбияламанг, яхшилик қилманг, нокас нокаслигича қолади.*

Тилаб олган эримни (боламини) эчки тепиб ўлдирди. Кўчими: *қийинчилик билан қўлга киритилган бахтни қўлдан бериб қўймоқ, омадсизликка учрамоқ.*

Эшагига яраша тушови. Кўчими: *бу ким бўлибди. Ҳеч ким эмас. Бунга «шу ҳам» бўлаверади тарзидаги камсити-ладиган, иззат-икром қилинмайдиган шахс.*

Эшакнинг ёмони қозиқни булғар,

Отнинг ёмони-охирни. Кўчими: *қош қўяман деб, қўз чиқарадиган, устабузармон, вазифасининг урдасидан чиқолмай, шарманда бўладиган, ўз ишига номуносиб шахс.*

қўйни ҳам ўз оёғидан осади,

Эчкини ҳам ўз оёғидан осади. Кўчими: кимлигидан қатъи назар, ҳар бир шахс қилмишига яраша жазо олади.

Ҳар ернинг тулкисини ўз тозиси билан овлар. Кўчими: хиёнаткор, гуноҳкор қаерда бўлмасин, ўша ерда унинг ўз жазоловчиси бор.

қулунли биядан қудуқ суви ортмас. Кўчими: бойлик қанча бўлса-да, оила ёки жамиятни таъминлаш қийин.

Чўпон (қўйчивон) кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар. Кўчими: сансолорлик натижасида мўлжалланган ишнинг бажарил-май, ўлда-жўлда қолиб кетиши.

Бир терининг ичида қўй неча бор семириб, неча бор озади. Кўчими: инсон умрида жуда кўп бахтли ва бахтсиз, хуш ва нохуш, омад ва омадсизликни бошидан кечириши.

Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўкиздан кўради. Кўчими: ҳақиқатни тушуниб етолмай, бир-бирига беҳуда душман-лик қилиб юрувчи нодон шахслар.

Кепак еган от югурук бўлмас. Кўчими: етарли таълим- тарбия кўрмаган одам узоққа бора олмайди.

Кўнгил ўйга тўймайди,

Бўри - қўйга. Кўчими: дунё бир кишига кўплик, икки кишига камлик қилганидек, инсон эҳтиёжи чексиз, у бойликка тўймайди.

Семиз қўйнинг умри калта. Кўчими: ўз реал маъноси (сўйилади) дан ташқари, инсон умри етилиб, поёнига етгач, ўлим бошланади.

Эшак минган элда кўп,

Йўл кўрмаган юртда кўп. Кўчими: халқнинг кўпчилиги одатда камбағал, бечора, авом бўлади демакдир.

Туркистонда қўй бир сўм,

Кела-кела ўн бир сўм. Кўчими: нарх-навонинг ошиб бориши, қимматчилик.

Эшаги уч танга,

Тўқими беш танга.

(ёки Эшагидан тўқими (тушови) қиммат). Кўчими: *фойдасидан зарари кўпроқ тегадиган одам ёки нарса, буюм.*

Оғилда ҳўкизим йўқ,

Элимда обрўйим йўқ. Кўчими: *камбағаллик, қашшоқ-лик.*

Хон чориғини қўймас. Кўчими: *ўтмишни, кечаги кунини унутмаслик (ким эдинг, ким бўлдинг маъносида).*

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....3

Уй-рўзғор буюмлари номи билан боғлиқ

шакланган эвфемик воситалар.....	4
Чорвадор нутқида қўлланадиган мақоллар	
эвфемикаси	23
Мундарижа	44

Масъул муҳаррир: П.БАКИРОВ
Техник муҳаррир: Ў.ХОЛИЁРОВ
Мусахҳиҳ: Р.БОЗОРОВА

Теришга берилди 13.04.2007. Босишга рухсат этилди 13.05.2007.
Бичими 60x42. 2,5 босма табақ.
Адади 200 дона.

Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси
компьютерида терилди ва саҳифаланди

44,1,42,3,40,5,38,7,36,9,34,11,32,13,30,15,28,17,26,19,24,21

2,43, 4,41,6,39,8,37,10,35,12,33,14,31,16,29,18,27,20,25,22,23

